

## Ўлим ва унга боғлиқ нарсалар



00:02 / 02.12.2016 14952

Ақоид илмида «ғайбиёт» номини олган масалалар инсон зоти учун бутунлай ғойиб бўлган, уни ҳеч ким кўрмаган ва бошқа нарсага солиштириб ҳам билиб бўлмайдиган, уни билиш учун фақатгина ўта ишончли хабарга, Аллоҳ таолодан ва Пайғамбар алайҳиссаломдан содиқ масдарлар орқали дақиқ илмий ва омонатли йўл билан нақл қилинган хабарга суяниладиган масалалардир.

Ҳозиргача ўрганиб ўтган нарсаларимизнинг ҳаммасини ақл билан, тадаббур билан, солиштириш йўли билан топиб олса бўлади. Аммо ғайбиётга оид ҳар бир нарсани фақатгина Қуръони Карим ёки ҳадиси шарифда келган ишончли хабар орқалигина билишимиз мумкин.

Ақоид уламоларидан баъзилари бу масалаларни «самъиёт» эшитиш йўли билан билинадиган нарсалар деб атайдилар.

## Ўлим ва унга боғлиқ нарсалар

Ўлим маълум ва машҳур нарса. Уни ҳамма билади ва соат сайин қайта-қайта бу ҳақиқатга гувоҳ бўлиб туради. Ўлимни билмаган, эсга олмаган одам боласи йўқ. Аммо ўлимга боғлиқ нарсалар тамомила ғайбиётлар жумласига киради. Уларни кўриб ҳам, ҳис қилиб ҳам, бошқа нарсаларга солиштириб ҳам бўлмайди.

Шу ерда тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи эканини таъкидлаб ўтмоғимиз лозим.

Аллоҳ таоло «Зумар» сурасида қуйидагиларни айтади: **«Аллоҳ жонларни ўлими вақтида, ўлмаганларини эса уйқуси вақтида олур. Бас, ўлишига ҳукм қилганларини ушлаб қолур, қолганларини маълум муддатгача қўйиб юборур. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-ибратлар бордир»** (42 - оят).

Ушбу оят маънолари ҳам Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига ёрқин далилдир. Дунёдаги барча ишлар ёлғиз У зотнинг Ўзига боғлиқлигини билдиради.

«Аллоҳ жонларни ўлими вақтида, ўлмаганларини эса уйқуси вақтида олур».

Ҳар лаҳзада қанчадан қанча одамлар жон берадилар. Уларнинг жонини ким олади? Ҳар бир одам ҳар куни маълум муддат ухлайди, ўшанда у ўликка ўхшаб ётади. Унинг жони нима бўлади? Бу саволларга мазкур жумлада жавоб бор.

Жонларни ўлим вақтида ҳам, ухлаган вақтида ҳам оладиган зот Аллоҳдир. Тандан жон чиқиши катта вафот, ухлаганда тана билан жон орасида алоқанинг кучсизланиши кичик вафот дейилади. Чунки ухлаган одамнинг жонини ҳам Аллоҳ таоло олган бўлади.

«Бас, ўлишига ҳукм қилганларини ушлаб қолур, қолганларини маълум муддатгача қўйиб юборур».

Кимнинг қазоси етган бўлса, уйқусидан қайта уйғонмай, кичик вафоти катта вафотга айланиб қолаверади. Аллоҳ ажали етмаганларнинг жонини қўйиб юборади. Улар белгиланган ажалгача яшаб юрадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар кеч ётаётганларида:

«Роббим, сенинг исминг ила ёнимни қўйдим. Сен билан уни кўтарурман. Агар жонимни тутиб қолсанг, уни мағфират қилгин. Агар уни қўйиб юборадиган бўлсанг, уни солиҳларни муҳофаза этадиган нарса ила муҳофаза қилгин», деган дуони ўқиб уйқуга кетар эдилар.

«Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-ибратлар бордир».

Чунки уларнинг жони доимо Аллоҳнинг қўлида. У зот ул жонни хоҳлаган лаҳзасида олиб қўйиши мумкин. Кейин эса албатта, ҳисоб-китоб қилади. Сўраб суриштиради.

Аллоҳнинг ягона илоҳ эканига далиллардан бири ўлим ва ҳаёт Унинг қўлида эканлигидир. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бировга жон бера олмайди, бировнинг жонини ҳам ола билмайди.

Аллоҳ таоло «Нажм» сурасида қуйидагиларни айтади: **«Албатта, ўлдирган ҳам Ўзи, тирилтирган ҳам Ўзи»** (44 - оят).

Ўлим ва ҳаёт ҳаммага маълум ва машҳур ҳодисалардир. Бу икки ҳодиса ҳар куни сонсиз-саноксиз миқдорда содир бўлиб туради. Ўлим ва ҳаёт турли шаклда ва суратда бетўхтов такрорланиб туради. Инсоният ўлим нима-ю ҳаёт нима эканини, уларнинг ҳақиқатини билишга уринаяпти, лекин ҳеч нарсани била олмаяпти. Бутун дунё аҳллари бирлашиб ҳам жонсиз нарсага ҳаёт бера олмаяпти. Бутун борлиқ бирга тиришиб ҳам бирорта ўлимни қайтара олмаяпти.

Умид қолмади, деб гўри қазиб қўйилган беморлар кутилмаганда соғайиб яшаб кетяпти. Уларга қараган, гўрини қазиганлар тўсатдан ўлиб қоляпти. Бундай бўлиши табиий, чунки ўлдирувчи ҳам, тирилтирувчи ҳам фақат Аллоҳдир.

Аллоҳ таоло Ўзига маълум ҳикматга биноан одамларнинг жонини олишга муқарраб фаришталардан бирини вакил қилиб қўйган.

Аллоҳ таоло «Сажда» сурасида қуйидагиларни айтади: **«Сен: «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонингизни оладир. Сўнгра Роббингизга қайтарилурсиз», деб айт»**, деган (11 - оят).

Оятда одам боласининг ўлими ҳам, тирилиши ҳам ўз ихтиёри билан бўлмаслиги баён қилинмоқда.

«Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонингизни оладир».

Жонни олишга юборилган фаришта Азроил алайҳиссалом эканлиги маълум ва машҳурдир.

Уламолар жумҳури, ўлим фариштаси битта бўлса ҳам, унинг ёрдамчилари бор, деганлар. Бунга далиллар ҳам келтирилганлар.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида қуйидагиларни айтади: **«Ўзига зулм қилувчи ҳолида жони олинаётганларга фаришталар: «Нима қилаётган эдинглар?» дерлар»** (97-оят).

Кўриниб турибдики, бу ҳолатда бир эмас бир неча фаришталар жон олишда иштирок этмоқдалар.

Аллоҳ таоло «Анъом» сурасида қуйидагиларни айтади: **«Қачонки, бирортангизга ўлим келса, элчиларимиз камчиликка йўл қўймаган ҳолда уни вафот эттирадир»** (61- оят).

Бу оятдаги элчилар ҳам ўлим фаришталари, яъни, Азроил алайҳиссаломнинг ёрдамчиларидир.

Кўплаб ҳадис ва хабарларда ўлим фариштаси аҳли солиҳ кишиларга

мулойим, осийларга қўпол муомала қилиши собит бўлган.

Ушбу нарсаларнинг барчасига ўлимга боғлиқ нарсалар қаторида ҳар бир мусулмон шахс жазм ила эътиқод қилмоғи лозим.

Ўлмайдиган ким бор? Ҳамма ҳам ўлади. Ўлим ҳар банданинг бошида бор.

Ўлим нима? Инсон ўлгандан кейин нима бўлади? Унинг ҳоли не кечади? Ўлим кишининг юраги уришдан тўхтаб, қон айланмай қолиб, қимирламай қолишидан иборат, холосми? Ёки бошқа нарсалар ҳам борми?

Инсон ўлгандан кейин иш битдими? Қабрида чириб тупроққа қўшилиб кетаверадими? Ундоқ бўлса унинг бошқа ҳайвонлар, қурт-қумурсқалардан нима фарқи бор? Ёки инсон бу дунёда турли ҳайвон ва қурт-қумурсқалардан фарқли бўлиб, ақл билан яшагани учун, ўлганидан кейин ҳам унга бошқача, инсонга тўғри келадиган муносабат бўлиши керакми?

Ислом ақийдаси бўйича бу дунё инсон учун синов майдони, холос. Асосий ҳаёт диёрига ўтишдан олдин имтиҳон топшириб, у ёқдаги ҳаётга ўзининг нақадар ҳақли эканини исбот қилиш фурсати, холос. Ана ўша боқий дунё мартабаси учун ушбу фоний дунёда ҳаракат қилади, холос.

Исломда инсоннинг ўлгани бу дунёдан у дунёга ўтгани, фоний дунёдан боқий дунёга кўчгани, холос. Янги, боқий дунёда уни фаришталар кутиб олиб жойлаштирадilar. Қандоқ жойга муносиб эканини ўзига билдириш учун сўроқ-савол қилишади, қўлидаги номаи аъмолини кўришади. Сўнг унга жой кўрсатишади. Ана ўша ишлар қабрдан бошланади.

### **Қабр саволи**

Вафот этган одамнинг қабрда фаришталар томонидан сўроққа тутилишига жазм ила эътиқод қилиш ҳар бир мусулмон учун вожибдир. Бунга далиллар жуда ҳам кўп.

Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинди:

**«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон маййитнинг дафнидан фориғ бўлсалар унинг (қабри) устида туриб:**

**«Биродарингиз учун истиғфор айтинг. Унга сабот сўранг. Чунки ҳозир у сўралади», дер эдилар».**

Абу Довуд ва ал-Баззор ривоят қилган. Ал-Ҳоким, саҳиҳ, деган.

Демак, ўлганнинг қабрда саволга тутилиши ҳақ экан ва тирик мусулмонлар ўлганлари ҳақида дуо қилишлари керак экан. Янги кўмилган одамга сўроқ-савол вақтида сабот сўраб, дуо қилмоқ лозим экан.

Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Қачон мўмин қабрида ўтқазилса, унга келинади. Сўнгра, ашҳаду**

**аллаа илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳи, деб шаҳодат келтиради. Ана ўша Аллоҳнинг: «Аллоҳ иймон келтирганларни ҳаёти дунёда ва охиратда субутли сўз ила собит қилади», деганидир», дедилар».**

Бу ҳадисдаги «Қачон мўмин қабрида ўтқазилса», дейилгани унинг дафни ва устига тупроқ тортилганидан кейин бўлади. Уни қабрида ўтқазиб сўроқ-савол қилиш бошланади.

«Унга келинади», яъни, унинг олдига сўроқ-савол қилингани келинади. Бу ишни бажаргани иккита қорамтир кўк рангдаги фаришта келади. Уларнинг исмлари Мункар ва Накийр бўлади. Уларнинг яратилиши фариштага ҳам, одамга ҳам ўхшамайди.

Мўмин - мусулмон кишининг иймони ва амали солиҳи туфайли уни икки фаришта сўроққа тутганда Аллоҳ таоло унга ёрам бериб, субутли сўз билан собит қилади. У калимаи шаҳодатни айтишга муяссар бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ҳам хабар берган экан.

Аллоҳ таоло ҳаммамизни ана шундоқ саботли калима эгаси бўлган бандаларидан қилсин.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Албатта, банда қачон қабрига қўйилсаю, ундан соҳиблари қайтиб кетса, у уларнинг ковушлари таққиллаганини эшитиб турганида олдига икки фаришта келиб, уни ўтказишади ва:**

**«Бу одам - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида - нима дер эдинг?» дейишади. Мўмин бўлса:**

**«Шаҳодат бераманки, У Аллоҳнинг бандаси ва Расулидир», дейди.**

**«Дўзахдаги ўрнингга назар сол, батаҳқиқ, Аллоҳ сенга уни жаннатдаги ўринга алмаштириб берди», дейилади унга. У икковини ҳам кўради. Аммо кофир ёки мунофиққа эса:**

**«Бу одам ҳақида нима дер эдинг?» дейилади.**

**«Билмадим, одамлар айтадиган нарсани айтар эдим», дейди. Бас Унга:**

**«Билмадинг ҳам, (билганларга) эргашмадинг ҳам»-дейилади ва темирдан бўлган гурзи билан бир уриладики. Шунда шундоқ ҳам қичқирадики, инсу жиндан бошқа ҳамма эшитади», дедилар».**

Бешовлари ривоят қилган.

Ушбу ҳадисда Аҳли сунна ва жамоа ақийдаси бўйича Қуръон ва Суннат билан собит бўлган ақийдавий масала, қабр саволи ва азоби ҳақ экани ва унинг қай йўсинда бўлиши ҳақида сўз бормоқда.

Бу ҳадисни диққат билан ўрганишимиз ва ундаги ҳар бир масалани ақийда маъносида сингдириб олишимиз ва ҳар лаҳзада ундаги ҳолатни эслаб туришимиз керак.

Худди ушбу биз ўрганаётган ҳадиси шарифда айнан қабрда нималар кечиши ҳақида сўз бормоқда. Келинг, бир-бир ўрганиб чиқайлик:

1. Қабрдаги янги кўмилган киши ўзини кўмиб кетаётган кишиларнинг оёқ товушларини эшитиши. Бу ҳақиқат ҳозирги замон илми орқали ҳам тасдиқланади.

2. Қабрнинг саволи кўмиб қайтаётган кишиларнинг қабрдан узоқлашмай турибоқ бошланиши.

3. Қабр саволи икки фаришта томонидан олиб борилиши.

4. Қабрдаги кишини ўтқазиб олиб сўроқ қилиниши.

5. Бериладиган саволлардан бири Пайғамбар Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида бўлиши.

6. Бу дунёда мўмин-мусулмон бўлиб, иймони ва амали жойида бўлган киши қабр саволи вақтида дадил бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларидаги саволга дадил ва аниқ жавоб бериши.

7. Мўмин-мусулмон кишининг дадил ва аниқ жавобидан кейин ҳалиги икки фаришта унга агар мўмин-мусулмон бўлмаганида дўзахдаги жойи қайси бўлишини кўрсатиши. Сўнгра мўмин-мусулмонлиги туфайли унга жаннатдан бериладиган жойни кўрсатишлари. Аллоҳ барчамизни ана ўшандоқ бахтли кишилардан қилсин.

8. Кофир ва мунофиқлардан ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида сўроқ қилиниши. У дунёда бу одам ҳақида нима дер эдинг? деб сўралиши.

9. Кофир, билмасам, деб жавоб бериши. Тилида, мусулмонман, деб юрган одам эса одамлар нима деса ўшани айтар эдим, дейиши. Демак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида одамлар нима деса ўшани айтиб юриш кифоя қилмас экан. Кишининг қалбида У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида мустаҳкам эътиқод бўлиши зоти шарифларини аниқ билиши керак экан.

10. Кофир ва мунофиққа саволга жавоб бера олмаганидан кейин, қаттиқ сўз айтилиб, бошига темир гурзи билан уриб азоб бериш бошланиши. Азоби қабр, дегани шу бўлади. Қабр азобининг баёнотлари келгуси ҳадисларда ҳам келади.

11. Қабрида темир гурзидан калтак еган кофир ва мунофиқнинг дод - войини одам ва жинлардан бошқа ҳамма мавжудот эшитиши.

Ушбу нарсаларга тўлиқ иймон келтириш ва ҳаётда ҳали имкон борида қабрга кирганда яхши ҳолда бўлишга лойиқ ишларни қилишга ўтиш керак.

Асмаа розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

**«Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан сўнг:**

**«Албатта, мен ўзимга кўрсатилмаган ҳар бир нарсани ушбу маконимда кўрдим. Ҳатто, жаннат ва дўзахни ҳам. Менга сизлар, албатта, қабрларингизда Масийҳи дажжолнинг фитнасичалик ёки шунга яқин фитнага учрашларинг ваҳий қилинди.**

**«Бу одам ҳақида қандоқ илминг бор?» дейилади.**

**Мўмин ёки аниқ ишонган одам:**

**«У Аллоҳнинг Расули Муҳаммаддир. Бизга очиқ-ойдин баёнотлар ва ҳидоят ила келди. Биз унинг (чақириғига) жавоб бердик ва унга эргашдик. У Муҳаммаддир»,** деб уч марта айтади. Шунда унга:

**«Солиҳ ҳолингизда ухлайвер. Биз сени унга қаттиқ ишонишингни билар эдик»,** дейилади.

**Аммо мунофиқ ёки шубҳали киши эса:**

**«Билмайман. Одамлар бир нарсани деганини эшитувдим. Ўшани айтганман»,** дейди», дедилар.

Икки шайх ва Насайй ривоят қилган.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ушбу ҳадисда келган гапларини Кусуф намозидан кейин қилган хутбаларида айтганлар.

Кусуф намозига оид ҳадиси шарифларни ўрганганимизда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга ўша намозни бир ўқишларида У зот соллаллоху алайҳи васалламга кўп нарсалар кашф қилинганлиги ва улардан баъзи намуналар ҳам айтиб ўтилган эди.

Бу ҳадиси шарифда эса ўша кашф қилинган нарсалардан қабр саволига тегишли бўлаги келтирилмоқда.

Ушбу ҳадисдан олинган фойдалар:

1. Қабрнинг фитнаси Дажжолнинг фитнаси ёки унга яқин бир фитна эканлиги. Бундан унга зинҳор эътиборсизлик билан қараб бўлмаслиги келиб чиқади.

2. Мўмин, аниқ ишонган одамнинг: «У Аллоҳнинг Расули Муҳаммаддир. Бизга очиқ-ойдин баёнотлар ва ҳидоят ила келди. Биз унинг чақириғига жавоб бердик ва унга эргашдик», деб жавоб бериши катта аҳамият бор. Демак, оғиз билан Муҳаммад Аллоҳнинг Расули, деган билан кифояланиб бўлмас экан. У киши Аллоҳ томонидан нималар келтирганини яхши билиш ҳам керак экан. У киши чақирган нарсага, лаббай деб жавоб бериш ва У зот соллаллоху алайҳи васалламга эргашиш ҳам керак экан. Бу эса Ислом динига тўлиқ эътиқод ва амал қилиш билан бўлади.

3. Фаришталарнинг мўмин одамга унинг дадил ва ишончли жавобидан кейин солиҳ ҳолингда ухлайвер. Биз сенинг унга қаттиқ ишонишингни билар эдик, дейишларидан иккита хулоса чиқади:

Биринчиси: Қабр саволидан кейин маййит қиёмат қоим бўлгунча ухлаб туради.

Иккинчиси: Қабрдаги сўроқ бир нарсани билиш учун эмас, билиб бўлинган нарсани банданинг ўзига иқрор қилдириш учун бўлади.

4. Мунофиқ, динга ишончи собит ва мустаҳкам бўлмаган одамнинг қабр сўроғига, «Билмайман. Одамлар бир нарса деганини эшитувдим. Ўшани айтганман», деб жавоб беришида, ҳаётда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ислом ҳақидаги одамлардан эшитган гапини тилидагина айтиб ўзини мусулмон санаб юрганларнинг ҳаммаси мунофиқ ва шубҳа эгаси эканликлари англашилади.

Аллоҳ шуларга ўхшашдан Ўзи сақласин.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қачон бирингиз ўлса, эртаю кеч унга ўрни кўрсатиб турилади. Агар аҳли жаннатдан бўлса, аҳли жаннатдан. Агар аҳли дўзахдан бўлса, аҳли дўзахдан. Ва унга:**

**«Аллоҳ, сени қиёмат куни қайта тирилтиргунча манаву сенинг ўрнинг бўлади, дейилади», дедилар.**

Бухорий, Муслим ва бошқалар ривоят қилган.

Қабрда ётиб, эртаю кеч бу гапларни эшитиш мўмин - мусулмон банда учун кони роҳат бўлиб, мунофиқ ва осий банда учун эса қабр азобининг бир қисми бўлади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қабр ёнидан ўтдилар ва:**

**«Албатта, икковлари азобланмоқдалар. Катта нарса учун азобланаётганлари йўқ. Ҳа! Улардан бири чақимчилик қилиб юрар эди. Бошқаси бўлса, сийдигидан покланмас эди», дедилар».**

Бошқа бир ривоятда:

**«Сийдигидан тўсинмас эди», дедилар. Сўнгра, бир ҳўл шохни олиб, иккига бўлиб ҳар бирини биттадан қабрга санчиб қўйдиларда:**

**«Шоядки, иккови қуригунча у иккисидан (азоб) енгиллатиб турилса», дедилар».**

Бухорий, Муслим ва бошқалар ривоят қилган.

Қабр азоби собит нарса экан. Энди ўша икки шахснинг нима сабабдан қабр

азобига дучор бўлганларини бир мулоҳаза қилиб кўрайлик.

Мазкур икки кичик нарсага шунчалик қабр азоби бўлса, катта гуноҳларга қанчалик қабр азоби бўлар экан?!

Икки шайх ва Насаий ривоят қилган ҳадисда: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дуода «Эй, бор Худоё! Сенинг ила қабр азобидан, дўзах азобидан тириклик ва ўликлик фитнасидан ва Масийҳи Дажжолнинг фитнасидан паноҳ сўрайман», дер эдилар», дейилган.**

Демак, ушбу ҳадиси шарифда зикри келган нарсалар, жумладан, қабр азоби ҳам, бор ва собит нарса. Биз ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга иқтидо қилиб ушбу нарсалардан, жумладан, қабр азобидан паноҳ сўраб туришимиз керак.

Усмон розияллоҳу анҳунинг мавлоси Ҳониъдан ривоят қилинди:

**«Усмон қачон қабр устига келса йиғлар, ҳатто соқоллари ҳўл бўлиб кетарди.**

**Бас, унга:**

**«Жаннат ва дўзахни зикр қиляпсанми? Йиғлама. Шунга йиғлайсанми?» дейилди. Шунда у:**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, албатта, қабр охиратнинг манзилларидан аввалгисидир. Ундан нажот топса, ундан кейингилари ундан осондир. Агар ундан нажот топмаса, ундан кейингиси, ундан кўра шиддатлидир», деганлар.**

**Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қанча даҳшатли манзара кўрган бўлсам, қабр ҳаммасидан кўра даҳшатлироқдир», деганлар», деди.**

Термизий ривоят қилган.

Ҳа, қабр энг қўрқинчли, энг даҳшатли жой экан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп шиддатли жойларни, жумладан, дўзахни ҳам кўрганлар. Аммо У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хабар беришларича, ҳеч бир жой қабрчалик қўрқинчли ва даҳшатли эмас экан.